

Дўзахдан қўрқув



08:00 / 19.02.2020 2455

Абдулвоҳид ибн Зайддан ривоят қилинади: «Ато Суллабий касал бўлиб қолди. Уни кўргани борганимизда дарднинг оғриғидан ҳушидан кетди. Салдан сўнг ўзига келгач, шогирдлари қўлларини кўтариб, уни дуо қила бошлашди. Шунда Ато шогирдларининг каттасига қараб шундай деди: «Эй Абу Убода, уларга айт, жим бўлишсин. Аллоҳга қасамки, руҳим дўзах томон чиқарилишидан қўрққанымдан қиёмат кунигача бўғзимга тиқилиб тураверишини истайман». У шундай дегач, кўп йиғлади. Абдулвоҳид ибн Зайд шундай деди: «Унинг ўлиmidан кейин нималарга рўбарў бўлишидан қўрққани мени ҳам йиғлатди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан